



«Ўз халкига эллик йиллик тинчлик тухфа килган машхур кирол Буюк Теодорих эътикодига кўра арийчи бўлган. У халк кироли деган ном ҳам чиқарган. Буюк Теодорихнинг кироллиги бутун Италияни, Германия, Австрия, Венгриянинг муайян қисмлари, Испаниянинг йирик қисми, Франциянинг Бургундия вилояти ва Шимолий Африканинг катта қисмини ўз ичига мужассам этган».

Терри Ангер «Рагнарок»

«Арийчи бўлганидан дунёнинг аксарият қисми фарёд солиб, хайратда қолди».

Тарихшунос олим Иероним, Инжилни қадимий юнон тилидан латин тилига ўғирган илк таржимонлардан бири

Италиянинг шарқида жойлашган Равенна шаҳридаги «Сант-Аполлинари-Нуово» базиликаси (Базилика- юнон тилидаги сўзидан олинган бўлиб, подшоҳнинг уйи маъ-носини англатади. Меъморий жihatдан тўғри бурчакли, ичи узунасига колонналар ёки устунлар билан неф деб номланадиган хоналарга бўлинган бино. Ўртадаги неф анча баланд бўлиб, ён нефлар томига ўрнатилган деразалар воситасида ёритилади. Базиликалар Қадимий Римда суд ва савдо бинолари сифатида фойдаланган, кейинчалик эса насроний ибодат-хоналарнинг асосий турига айланган (таржимон Ш.Долимов).) деворлари бир қатор қадама нақшлар билан безалган. Хусусан, бинонинг ўнг деворига катта манзара тасвирланган бўлиб, ушбу нақш бир неча ўзига хос хусусиятларга эга. Четдан қаралганда манзаранинг баъзи жойлари устидан янги қадама нақшлар қоплангандай туюлиб, бинонинг бошқа нақшлари билан қиёсланадиган бўлса, у қадар кўхна кўринмайди. Янги қопланган ушбу нақшлар манзаранинг марказида

жойлашган бўлиб, мукаддам солинган тасвирнинг айрим деталарини бекитгандай гўё. Бирок базиликанинг айрим колонналарида инсон кўлининг тасвири колгани кишини хайратга солади. Афтидан, ўша манзарада маълум бир амални бажараётган одамлар тасвирланган бўлиб, европаликларнинг кейинги авлоди билмаслиги учун ундай амалларни бутунлай бекитиб ташлашга аҳд килинган кўринади. Италия черковига копланган ушбу кадама накшнинг тарихи нималардан иборат? Кадама накш тасвирлаган манзара тарихига ўзгартириш киритган одамлар ўз килмиши ила қайси кўркинчли сирни банибашар нигохидан юзлаб йилларга яшириб ташлаган?

Дунёнинг арийчилик тарихи ўрганиб чикиладиган бўлса, ўтмишда курраи заминда юз берган, башарият маданиятининг, айникса, Европа китъасида шаклланган цивилизациянинг ривожига бевосита ёки билвосита таъсир ўтказган кўпдан-кўп сирли ходиса ва далиллардан вокиф бўлиб оламиз. Европа китъасидаги давлатчилик мазкур асарнинг олдинги бобида кўрганимиздек, авваламбор, герман кабилаларининг кўчиши билан боглик равишда юзага келган. Бундай кўчишларнинг аксарияти муваххид германлар билан тринитарчи румликлар ўртасида ўтган дахшатли диний урушлар сабабли кечган. Окибатта Ягона Аллохга эътикод килган ёки килмаган герман халклари Европа китъасининг турли бурчакларига таркаб кетишган. Арийчи насронийлик Европанинг турли бурчакларида қандай килиб бу қадар юксак даражада оммалашиб кетганини Остготлар давлати тарихи ўрганиб чиқилгач янада теран англаб етиш имконини беради.

Остготлар киролиги - бешинчи аср хотимасида пайдо бўлган европача арийчи киролик саналади. Остготлар киролиги Европа марказидаги катта майдонни эгаллаган бўлиб, бугунги 18 та давлат ҳудудини, хусусан, Германия, Швеция, Словения, Франция, Италия, Черногория, Хорватия, Словакия, Чехия, Венгрия, Сербия, Босния ва Герцеговина, Монако князлиги, Лихтенштейн, Ватикан, Сан-Марино князлиги, Австрия ва Испания ерларини ўз ичига мужассам этган.

Арийчи киролик юкорида санаб ўтилган давлатлар ҳудудининг катта қисмини камраб олган бўлиб, Европа тарихида ўтган энг буюк кирол - Теодорих, китъа халки орасида Буюк Теодорих номи ила танилган кирол томонидан асос солинган. Ушбу герман кироли бугунги кунгача Европа адабиётининг афсонавий қахрамони саналади. Унинг саргузаштлари, намоён этган жасорат намуналари ҳақида халигача ривоят манзумалар битилади. Немислар орасида, шунингдек, скандинав ва инглиз адабиётида у Дитрих Бернский исми ила танилган. Аммо европаликларнинг аксарияти, ушбу кирол, гарб тарихшуносларининг шохидлигига кўра, Ислоннинг Европадаги химоячиси бўлганидан беҳабар қолган. Буюк Теодорих европалик мусулмонларни оммавий равишда қатл қилиб келган Византия империясидан насронийча яккаху-доликни химоя қилган. Шу билан бирга, ушбу муваххид кирол тринитарчи румликлар томонидан содир этилган вахшийликларга қарамай, уларнинг савиясига паст тушмаган. Унинг салтанатидаги тринитарчилар тинч ва хотиржам яшаб, ўз динига эътикод қилишга изн олган. Шунинг учун ҳам Буюк Теодорихни Европа халклари ҳурмат қилиб, эҳтиром кўрсатишган. Олтинчи аср ўртасига қелиб византияликлар Остготлар киролигини енгишга муваффақ бўлишди. Европа халқларининг омон қолган қисмини Ислондан қайтариб, тринитарчиликни қабул қилишга мажбур қилишди. Бунинг учун византиялик вахшийлар Ягона Аллохга эргашган ҳар қандай одамни қийноққа солиб, ўлдиришди. Тринитарчилар қотиллик билангина чекланишмади, Европа халки бир замонлар Ягона Аллохга эътикод қилганига доир ҳар қандай ҳужжатлар ва бошқа турдаги шохидликларни мазмунан

бузиб, сохтакорлик билан шугулланишди. Бундан кўзланган мақсад аён - аксарияти асл христианлик динига эътикод қилган аждодларининг ҳақиқий тарихини европаликларнинг келгуси авлодлари била олмасин.

Бунга мисол қилиб Италиянинг Равенна шаҳридаги юкорида тилга олинган «Сант-Аполлинари-Нуово» базиликаси деворидаги тасвирни келтириш мумкин. Аслида ўша базилика деворида бир замонлар остготлар қироли, яъни европалик мусулмон қирол Буюк Теодорихнинг қироллик саройи тасвирланган. Афтидан, ўша қадама нақш қирол Теодорихнинг бошқа муваххид диндошлар билан намоз ўқиётган ҳолатини тасвирлаган. Италияни босиб олган тринитарчи румликлар арийчилар ибодатини ифодалаган ўша манзарани европаликларнинг келгуси авлодидан бекитиш мақсадида мана шундай жўн усул қўллаб ўчиришган.

Маълумки, Франция ҳудудининг улкан қисми бургундларга қараш-ли арийча қироллик таркибига қирган. Остготларнинг давлати йўқ қилинган, Европанинг қок маркази, хусусан, Италия билан Австрия ҳудудида янги арийчи давлат - Лангобард қироллиги пайдо бўлди. Ушбу қиролликка германларнинг бу ерларга кўчиб ўтган лангобард қабиласи асос қолган. Унда арийчиликка 671 йилгача, яъни пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотидан кейин қарийб 40 йил ўтгунча эътикод қилинган. Бу қироллик ўша даврда Европада Ягона Аллохга эътикод қилинган сўнгги давлат бўлди. Орадан 40 йил ўтиб, Андалусия забот этилган, яққахудолик Европада яна қайтиб қолди. Бу ҳодиса хижрий ҳисоб билан 92 йили (григориан қалендарии ҳисобида 711 йили) рўй берди. Исломи Андалусияда 800 йил, яъни 1492 йили Гранада қаслим бўлгунча қасланиб қолди.

Аммо олдимизда бир қасвол туради: вақт ўтиб, Европада арийчилик батамом барҳам топдимии?

Аллохнинг элчилари ичра сўнггисии бўлмиш Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам қолган, у зотнинг пайгамбарлик қисолатлари билан бирга туширилган таълимот муқаддам юборилган таълимотларнинг баринии бекор қилди, муқаддас қитоблар ичра сўнггисии бўлмиш Қуръон эса, муқаддам туширилган муқаддас қитобларнинг баринии бекор қилди. Бинобарин, Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг таълимотидан ҳабар топганлар Аллохнинг динига эътикод қилаётган бандалардан бўлишлари учун Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга иймон қолтиришлари шарт бўлди. Шу тариқа, арийчилик, шарииат нуқтаи назаридан бекор бўлди. Одамлар Инжилга вақти-вақти билан ўзлари қилганча қўпдан-қўп ўзгартиришлар қиритишгани инобатга олинадиган бўлса, Инжилнинг бекор бўлиши ман-тиқан тўғри ва қонуний ҳодиса бўлди. Шунга қарамай, Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг пайгамбарлик қисолати бошланганидан кейин яшаган муваххид христианлар қандай маъкега сазавор бўлишгани билан боглик масала, бу бизга аниқ маълум эмас-у, ўша даврда Исломи таълимоти Ягона Аллохга эргашган насронийларга етиб борган-бормаганидан иборатдир. Исломи таълимоти туширилгани ҳақида ҳабар топишган тақдирда ҳам, ушбу таълимот уларга асл ҳолатида етиб боргани ёқии черқов мазмунан бузиб етказгани ҳам аниқ эмас. Боз устига, оммавий ахборот воситалари ўтмишда ниҳоятда содда ва тўла-тўқис черқов қасарруфида бўлгани инобатга олинадиган бўлса, бу масалада шубҳа туғилади.

Исломи даъвати уларга асл ҳолатда етиб боргани ва улар Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламга иймон қолтиришгани, бирок черқов олдидаги қўрқув сабаб ўз эътиқодларинии бекитишга мажбур бўлишганини ҳам инқор эта олмаймиз.

Уларнинг ахволини Аллохнинг Узи жуда яхши билади ва улар жаннати ёки дўзахига бўлгани хақида биз мутлако гапирмаймиз.

Бу ерда биз факат тарих нуктаи назаридангина мусулмонларнинг Гранадаги сўнгги калъаси кулагач, Европада юзага келган айрим Ягона Аллохга эргашган насроний ҳаракатларни тилга олиб ўтамиз.

- Испания киролигида муваххидлик учун курашган янги насроний оқим пайдо бўлди. Ушбу оқимга эргашганларга кейинчалик «унитарчилар» деган ном берилди. Унитарчилар ҳаракатига факат фан оркалигина машҳур бўлмаган атоқли олим Мигель Сервет бошчилик қилди. У иккита нихоятда муҳим китоб: «Учлик хатолари» ва «Христианликнинг тикланиши» деб номланган асарлар муаллифи бўлган. Ушбу асарларда Сервет Учлик ақидасини динга жорий этган черковнинг сохтакорлик фаолиятини фаш этиб ташлаган. Оқибатда Испания католик черкови уни таъқиб қила бошлади. Черковнинг зулмидан қочган Сервет юртни тарк этишга мажбур бўлди. Европа бўйлаб дарбадар кезган олим охири Швецарияда қўлга олинди. Европанинг католик давлатлари ўртасида ушбу мутафаккирни йўқ қилиш «шарафига эга бўлиш» борасида қизгин баҳс қўтарилди. Женева черкови раҳбарияти уни Швецарияда суд қилишни талаб қилиб туриб олди. Черков суди Серветга гоят дахшатли ҳукм чиқарди - танасига юкорида тилга олинган китоблари маҳкам боғланган олим тириклайин ёқиб юбориладиган бўлди. Бунда Серветга ё қатлни танлаш, ё ўз маслагидан қайтишни таклиф қилишди. Лекин олим суд мажлисида: «Учлик - христианликни бурда-бурда қилаётган хайвондир. У файласуфлар томонидан ўйлаб топилган бўлиб, Инжилда ҳеч қандай асоси йўқ», - дея баёнот қилди.

- Шундан сўнг Венгрия кироли Запольяи унитарчиликка қиради ва черков амалдорлари томонидан тахтдан ағдарилади.

- Польша билан Литвада «Польшалик биродарлар» дея номланган улкан диний ҳаракатга асос солинади. Кейинчалик ушбу ҳаракат «Польшалик арийчилар» деган ном олади. Черков амалдорларининг тазйиқи остида Польша парламенти 1638 йили ушбу унитарчилар ҳаракатини ман этишга доир бир қатор қарорлар қабул қилди.

- Англияда Жон Бидл исми киши раҳбарлигидаги унитарчилар ҳаракати кенг оммалашиб кетди. Ушбу таълимотга қўплаб инглизлар, шу жумладан, йирик олимлар ҳам эргашди. Улар орасида энг атоқлиси Исаак Ньютон бўлди. Гравитация қонунларини кашф этган машҳур олим Ягона Аллохга эътиқод қиладиган христианларнинг раҳнамоси Арийни қўллаб-қувватлаб, Афанасийни қоралаб ёзгани яқинда аниқ-ланди. Бундан хабар топанларнинг қўпчилиги ханг-манг бўлиб қолишса керак. Тарихий ҳужжатлардан бирида Исаак Ньютоннинг шахсан ўзи ўз қўли билан ёзган изохлар топилди. Уларнинг хақиқийлиги Англиядаги Кембриж университети томонидан узок текширилиб, расшифровкаси сўнгги йиллардагина нихоясига етказилди. Ньютоннинг эътиқоди хақида профессор Сиймон Шефер қуйидагиларни маълум қилади: «Модомики, Ньютон Худога тенг қиладиган ҳеч қим йўқлигига, Худо буюк қудрат соҳиби эканлигига қомил ишонч билдирган экан, ҳулоса қилиш мумкинки, бу билан у ўзини ўзи бидъатчи сифатида намоён этди. Бошқача қилиб айтганда, Ньютон Исога нисбатан эътиқодни тобора минималлаштириб, охири бориб унинг илоҳийлигини йўққа чиқарди». Ушбу ҳолат Ньютоннинг ҳаёт йўлини ёзган доктор Гейл Крисченсон сўзлари билан ҳам ўз тасдиғини топади. Ушбу олимнинг ёзишича: «...Қўп ўтмай, Ньютон Муқаддас Учликка доир ақида христианлик динининг биринчи амрига нисбатан қуфр бўлади деган ҳулосага қиладди. Зеро, Парвардигор ўзининг биринчи амрида қуйидагича марҳамат қиладди: «Менинг

сиймом олдида бошка худоларинг бўлмади». Шу тарика, Ньютоннинг маслагига кўра, Ота, Ўғил ва Мукаддас Рухга чўкиниш куфрдан ўзга нарса эмас». Ньютон Учликка доир христианлик акидаси янглиш акида эканлиги хакида баёнот килган ягона олим бўлмаган. Бугунги кимё асосчиси, кислородни кашф этган Жозеф Пристли ҳам инглиз унитарчилари рўйхатидан жой олган.

Дархакикат, сўнгги бир неча асрдан буён Европанинг ўзи шохид бўлиб келаётган илм-фан эволюцияси европаликларнинг тафаккурини мантику табиат конунларига зид келаётган Мукаддас Учлик акидасини хазм кила олмайдиган ҳолатга келтириб қўймоқда. Британиялик атокли математик Жейкоб Броновски ушбу ҳолатга ўзининг «Инсоннинг юксалиши» асарида қуйидагича тушунтириш берган: «... Хар гал Учлик акидасига доир гап очилар экан, ўн еттинчи аср олимлари ўзларини ноқулай хис этиб бораверишар эди». Арийчилар тарихи хакида гап, айникса, тринитарчилар томонидан арийчиларга қарши юзлаб йиллар давомида олиб борилган шафкатсиз урушлар хакида борадиган бўлса, узундан-узок чўзилиши мумкин. Тринитарчи Рум подшолиги билан Европанинг муваххид кироликлари Ўрта денгиз сохиллари ва Европада ёйилган Эски дунёни ўзаро бўлиб олишган бўлиб, улар орасида бошланган урушлар сабаби дунё талашишла изохланади. Исо алайхиссалом билан Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарлик рисолатлари ўртасидаги вақт оралиги 5 асрга чўзилганининг сабаби ҳам шунда. Ушбу вақт давомида Кодир Аллох қурраи заминни Исломсиз қўймади, шу вақт ичида муваххидлар билан тринитарчилар ўртасида кечган шафкатсиз кураш ҳам тинмади. Охир-пировардида тринитарчи Византия подшоҳлиги Ягона Аллохга эргашганлар устидан қолиб чиқиб, Исломи давлатларини йўқ қилишга муваффақ бўлди, Ягона Аллохга эргашган аҳолисига эса зулм ўтказиб, ёппасига қириб ташлади. Буларнинг бари Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг саҳобалари Салман Форисий розияллоху анху хакидаги ҳаммага маълум, Ислом тарихига тааллуқли қўплаб қитобларда баён этилган ривоятга биз учун яна бир бор ойдинлик қиритади. Ўша ривоятда тилга олинган насроний қашшлар ўз нутқига кўра муваххид арийчилар бўлишган. Уларнинг сони қамлиги, қаммаси хар жойда яшаганининг сабаби ҳам шу билан изохланади. Арийчилар тарихидан воқифлик бизга шунингдек нима сабабдан Миср қоптлари Исломни жуда тез қабул қилишганини аңлаш имконини беради. Православие мазаҳбига мансуб, Миср қерқовининг биринчи тарихчиси саналадиган, ўзи ҳам мисрлик тарихшунос олим Иоан Никиусскийнинг асарида маълум қилинишича ақсарият арийчи қоптлар Ислом оламининг машхур жаҳонқери Амр ибн Ос армиясига қўшилиб қетган экан.

Ушбу ҳолатни профессор Фади́л Сулаймон - Аллох уни қўп ажрлари ила муқофотласин - ўз татқиқодларида ўрганиб қиккан ва ўтқазилган бундай татқиқодлар натижаларини ул зот ўзининг «Мухаммадгача яшаб ўтган мусулмон-қоптлар» асарида қискача баён этган. Балқим Аллох таоло Ўз пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга тринитарчи румликлар томонидан содир этилган мудхиш харбий жинойтлар ва геноцид қурбонларига айланган муваххидтарнинг тарихини айтиб бергандир. Расулulloх соллаллоху алайхи засаллам ўзларининг қўплаб ҳадисларида у зотнинг пайгамбарлик эисолатлари бошлангунча Исо алайхиссаломга иймон қелтирган тақводорларнинг қийноққа солинганлари хакида мусулмонларга маълум қилдилар, бироқ у зот ўша тақводорларни ҳеч қачон «арийчилар» деб атамадилар. Сабаб оддий: ушбу ном уларнинг хақиқий номи бўлмаган, бу номни уларга яққахудолик душманлари томонидан берилган. Шу билан бирга, Рум подшоҳи Қайсар Хирақлга нома битар эканлар, Мухаммад

соллаллоху алайхи васаллам арийчилар каломини атайин тилга олиб ўтганлар. Балким Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Хираклга тринитарчи румликлар юзлаб йиллар давомида беркитиб келган арийчилар билан боглик сирдан вокифликлари хакида шу тарика хабар бермокчи бўлгандирлар. Шунингдек, Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам ушбу ажиб нома оркали Византия подшоҳига яккахудоликнинг янги пайгамбари ва унга эргашган мусулмонлар муваххид насронийларга нисбатан мудхиш геноциднинг давом этишига йўл қўймаслигини аник англатиб қўймокчи бўлгандирлар. Ва буни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг Хираклга: «...Агар кабул килмас экансан, сенга карашли бутун бошли арийчи халкнинг гуноҳи устингга тушади», - дея очик-ойдин огохдантирганларини изох сифатида қўриш мумкиндир. Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг хадисларини атрофлича, батафсил ўрганар эканмиз, Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам Константинополь шахрининг номини ўзгача иштиёкла тилга олганлари, уни забт этишга мусулмонларни ундаб борганларини фахмлаймиз. Бинобарин, буюк усмоний султон Мехмед Жахонгир ушбу шаҳарни забт этганда, аслида Константинополнинг хуррияти кайта тикланган деб тушунамиз, чунки мазкур асарнинг олдинги бобларидан хабар топганимиздек, унинг асосчиси император Буюк Константин мусулмон бўлган. Боз устига, атокли черков тарихчиларининг шохидлигига кўра, Константинополга биринчи бўлиб қўчиб ўтган илк шаҳарликларнинг аксарияти мусулмон бўлган экан.

Арийчилик тарихи янада чуқур таткик килинишини такозо этмокда, аммо гап черков томонидан турли йўллар билан сир сакланаётган тарих хакида борар экан, бу иш кийин кечиши мукаррар. Шу билан бир вақтда, таассуфки, замондош мусулмонларнинг кўпчилиги Исо алайхиссалом таваллуд топганидан бошлаб Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарлик рисолати бошлангунга қадар ўтган 5 асрлик муддат давомида Исога иймон келтириб, унинг асл таъли-мотига эргашиб яшаган мусулмон биродарнинг тарихи билан мутлако кизиқишмайди. Мазкур асарда ўша муваххидлар хакида айтилган гаплар хамир учидан патир бўлиб, арийчиликнинг мажхул тарихини таткик қилишдек узундан-узок кечадиган йўл бошида қўйилган майда қадамдир. Бу йўлга Ибн Хазм Андалусий, шайхул Исломи Ибн Таймия каби улуг уламолар, мисрлик тарихшунос олим Фадил Сулаймон каби замондош таткикодчиларимиз ва бошқа холис олимлар асос солишган бўлиб, мазкур асаримни тайёрлашда уларнинг илмий меҳнатларидан фойдаландим. Ушбу таткикодчилар орасида черков томонидан юз йиллаб беркитилган хакикатни фош этиш учун анчагина куч-гайрат сарфлаган мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар, хатто гарблик дахрийлар ҳам бўлган. Ушбу узундан-узок таткикод йўлининг қолган қисмини босиб ўтиш сизу бизнинг олдимизда турган умумий вазифадир. Арий исмли биргина қахрамон тарих жараёнини ўзгартириб юбора билгани хакида ўз фарзандларингизга сўзлаб беринг. Бунда у ҳеч қандай бўлмаган нарсаларга эга бўлгани учун эмас, балким ўша даврда кўпчиликнинг иродаси бўшлиқ қилгани, у эса қучли бўлганча қолиб, шиддатла эсаётган шамоқ қаршисида оёқда тик қолишни истагани учун қахрамон бўлганини таъкидлаб ўтинг. Мана, бугун биз орадан қарийб бир минг етти юз йил ўтиб, исми замонлар хотирасидан ўчиб кетишига ишонган айрим аҳмоқларнинг саъй-ҳаракатига қарамай. ул муваххид қахрамоннинг жасоратини эсламокдамиз. Арийнинг ва Исога эргашган бошқа муваххидларнинг гуноҳидан Ўзинг ўтгин, ё Қодир Аллоҳ!

Арий ва арийчилар хақидаги ҳикояларимни ниҳоясига етказиш учун Чллохнинг қаломидан ўзга сўз топа олмадим.

«Масих иби Марям факат бир пайгамбар бўлиб, ундан илгари гам кўп пайгамбарлар ўтгандир. Унинг онаси эса сиддика - Аллохга ҳақки-рост иймон келтирган аёлдир. Иккаласи ҳам таом ср эдилар. Оят-хужжатларни уларга қандай баён қилишимизни кўринг, сўнг уларни қандай бўхтон томонга оғаётганларини кўринг!» («Моида» сураси, 75-оят).

Аммо арийчилик билан «Чох ёкасида йигилганлар» ривояти ўртасида нима алоқа бор? Ислом ўша ривоятдаги такводорларга қандай келган? Ривоятнинг бош қахрамони бўлмиш ўспирин ҳақида нималар гикоя қилинади?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан